

**ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Qx/V.43.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

САИДОВА МУНИСА ЭРГАШЕВНА

**ОРОЛБЎЙИ ҲУДУДИ СУҒОРИЛАДИГАН ЎТЛОҚИ-АЛЛЮВИАЛ
ТУПРОҚЛАРИНИНГ ЭКОЛОГИК-БИОЛОГИК ҲОЛАТИНИ
ДИАГНОСТИКАСИДА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАР
(АМУДАРЁ ВА ЧИМБОЙ ТУМАНЛАРИ МИСОЛИДА)**

03.00.13 - Тупроқшунослик

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2019

**Биология фанлари бўйича фан доктори (DSc)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)
по биологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of science (DSc)
on biological sciences**

Саидова Муниса Эргашевна

Оролбўйи ҳудуди суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқларининг
экологик-биологик ҳолатини диагностикасида замонавий ёндашувлар
(Амударё ва Чимбой тумани тупроқлари мисолида) 3

Саидова Муниса Эргашевна

Современные подходы в диагностике эколого-биологического
состояния орошаемых лугово-аллювиальных почв Приаралья (на
примере Амударьинского и Чимбайского туманов)..... 29

Saidova Munisa Ergashevna

Modern approaches in diagnostics of ecological-biological state of irrigated
meadow-alluvial soils of the Aral region (on the example of Amudarya and
Chimbay districts)..... 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 59

**ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Qx/V.43.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

САИДОВА МУНИСА ЭРГАШЕВНА

**ОРОЛБЎЙИ ҲУДУДИ СУҒОРИЛАДИГАН ЎТЛОҚИ-АЛЛЮВИАЛ
ТУПРОҚЛАРИНИНГ ЭКОЛОГИК-БИОЛОГИК ҲОЛАТИНИ
ДИАГНОСТИКАСИДА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАР
(АМУДАРЁ ВА ЧИМБОЙ ТУМАНЛАРИ МИСОЛИДА)**

03.00.13 - Тупроқшунослик

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2019

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В 2019.2DSc/B101 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат аграр университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Тупроқшунослик ва агрохимё илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш веб-саҳифасида (<http://www.soil.uz>) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (<http://www.ziynet.uz>) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Гафурова Лазизахон Акрамовна
биология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Уразбаев Исматулла Уматович
биология фанлари доктори, доцент
Гулистон давлат университети

Бобомуродов Шухрат Меҳрибонovich
биология фанлари доктори, катта илмий ходим
Тупроқшунослик ва агрохимё илмий-тадқиқот институти

Нарбаева Хуршида Сапарбаевна
биология фанлари доктори, катта илмий ходим
Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси
Микробиология институти

Етакчи ташкилот:

Қорақалпоқ табиий фанлар илмий-тадқиқот институти

Диссертация ҳимояси Тупроқшунослик ва агрохимё илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Qx/B.43.01 рақамли Илмий Кенгашнинг 2019 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100179, Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Қамарнисо кўчаси 3 уй. Тел.: (+99871) 246-09-50; факс: (99871) 246-76-00; e-mail: info@soill.uz).

Диссертация билан Тупроқшунослик ва агрохимё илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ - рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100179, Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Қамарнисо кўчаси 3 уй. Тел.: (+99871) 246-15-38

Диссертация автореферати 2019 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2019 йил «___» _____ даги №___ - рақамли реестр баённомаси)

Р.Қ.Қўзиёв

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси
б.ф.д., профессор

Н.Ю.Абдурахмонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, б.ф.д., катта илмий ходим

М.М.Тошқўзиёв

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор

КИРИШ (Фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунёда «шўрланган тупроқлар катта майдонларни – бутун қуруқлик юзасининг тахминан 25 % ини эгаллаган. Шўрланган тупроқларнинг йирик массивлари Ўрта Осиёда, АҚШ нинг ғарбида, Жанубий Америка ва Австралиянинг алоҳида қурғоқчил минтақаларида, Шимолий Африкада жойлашган. Бунда, қурғоқчил ва арид иқлим шароитида чўл ва яримчўл минтақалари тупроқлари шўрланиш даражасининг, айниқса, юқорилиги билан ажралиб туради»¹. Шу боис, шўрланган ерлар майдони табиий жараёнлар ҳамда антропоген таъсирлар натижасида тобора кенгайиб бораётган бир вақтда шўрланишни келтириб чиқарувчи омилларни аниқлаш, уни олдини олиш, шўрланган тупроқларнинг унумдорлигини сақлаш, қайта тиклаш ва улардан қишлоқ хўжалигида оқилона фойдаланиш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Дунёда кузатилаётган глобал иқлим ўзгариши шароитида тупроқ қопламида юзага келаётган шўрланиш жараёнини олдини олиш ва уни оқибатларини юмшатиш, тупроқ хосса-хусусиятларига ташқи омилларнинг таъсирини аниқлашда табиий-иқлим шароитларини ҳисобга олиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада, шўрланган ерлар майдонини тез ва сифатли аниқлаш ва шўрланганлик даражасини баҳолаш мақсадида замонавий геоахборот технологияларидан фойдаланишга, тупроқ биологик фаоллигининг информатив кўрсаткичлари асосида шўрланган тупроқларни ташқи омилларга чидамлилиқ даражасини баҳолашнинг биодиагностика услубларидан кенг фойдаланишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамызда иқлим ўзгариши шароитида Орол фожиаси оқибатини юмшатиш мақсадида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, улардан оқилона фойдаланиш, суғориш тизимини такомиллаштириш, чўл тупроқларини экстремал шароитларга чидамлилиқ даражасини ошириш ва биохилма-хилликни сақлаб қолиш бўйича мажмуавий чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «...суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни, энг аввало, сув ва ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни жорий этиш, глобал иқлим ўзгаришлари ва Орол денгизи қуришининг қишлоқ хўжалиги ривожланиши ҳамда аҳолининг ҳаёт фаолиятига салбий таъсирини юмшатиш»² бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада шўрланган тупроқларнинг экологик-биологик ҳолатини замонавий ГАТ технологиялари ва моделлаштириш усулларида фойдаланган ҳолда

¹<http://agropraktik.ru/blog/1097.html>

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони. Халқ сўзи газетаси. 08.02.2017.

диагностика қилиш тупроқда кечаётган жараёнларнинг йўналишини тўғри тавсифлаш ва улар ўртасидаги ўзаро боғлиқликларни аниқлаш, тупроқ жараёнларини бошқариш, иқлим ўзгариши шароитида шўрланган ерлар ҳолатини яхшилаш, улардан оқилона фойдаланиш ва салбий омилларни олдини олишга қаратилган мақбул агромелиоратив тадбирларни ишлаб чиқишда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йилда 31 майдаги ПФ-5065-сон «Ерларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш борасида назоратни кучайтириш, геодезия ва картография фаолиятини такомиллаштириш, давлат кадастрлари юритишни тартибга солиш чоратадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2017 йилда 18 январдаги ПҚ-2731-сон «2017-2021 йилларда Оролбўйи регионини ривожлантириш бўйича давлат дастури тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи³. Деградацияга учраган суғориладиган тупроқларнинг экологик-биологик ҳолатини диагностикасида замонавий ёндашувлардан фойдаланишга қаратилган илмий-тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан International Soil Reference and Information Centre, Wageningen (Голландия), University of Hohenheim, Thünen-Institute of Rural Studies (Германия), Swedish University of Agricultural Science (Швеция), Laboratory for Application of Remote Sensing, Purdue Climate Change Research Center, U.S.A. Salinity Laboratory (АҚШ) International Institute for Sustainable Development (Канада), Central Soil Salinity Research Institute, Indian Institute of Soil Science (Ҳиндистон), шунингдек В.В.Докучаев номидаги Тупроқшунослик институти, М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университети (Россия), Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти ва ЎзФА Микробиология институти (Ўзбекистон) да олиб борилмоқда.

Тупроқларнинг экологик-биологик ҳолатини турли омиллар таъсирида ўзгаришининг диагностикаси бўйича жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: тупроқдаги органик углерод миқдорини аниқлаш орқали иқлим ўзгариши жараёнларининг таъсирини баҳолаш ва юмшатиш, тупроқ унумдорлигини сақлаш бўйича ёндашув ҳамда технологиялар ишлаб чиқилган (Soil Reference and Information Centre, Wageningen, Голландия; University of Hohenheim;

³ <https://www.educationindex.ru>; <https://www.uni-hohenheim.de>; <https://www.thuenen.de>; <https://www.iiss.nic>; <https://www.lars.purdue.edu>; <https://www.researchgate.net>; <http://www.iisd.org>; <https://www.cssri.org>.

Thünen-Institute of Rural Studies, Германия); ер ресурсларидан барқарор фойдаланиш бўйича технологиялар ва ёндашувлар иқлим ўзгариши шароитига адаптация қилинган ҳамда қишлоқ хўжалиги тизимини такомиллаштириш мақсадида Cornell Climate Smart Farming (CSF) модели ишлаб чиқилган (Purdue Climate Change Research Center, АҚШ; International Institute for Sustainable Development, Cornell Institute for Climate Smart Solutions, Канада); деградацияга учраган ерларни тезкор аниқлаш учун масофадан зондлаш маълумотларига ишлов бериш ва географик ахборот тизимларини қўллаш услублари яратилган (Laboratory for Application of Remote Sensing, АҚШ; В.В.Докучаев номидаги Тупроқшунослик институти, М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университети, Россия); тупроқ сифатини баҳолаш, озика элементларидан фойдаланиш самарадорлиги ва углерод секвестрациясини ошириш услублари ишлаб чиқилган (Indian Institute of Soil Science, Ҳиндистон); шўрланган ерлардан самарали фойдаланиш мақсадида қишлоқ хўжалик экинларини шўрга чидамлилиги ва тупроқ шўрланиши моделлари яратилган (U.S.A. Salinity Laboratory, Central Soil Salinity Research Institute, АҚШ).

Дунёда шўрланган тупроқлар экологик-биологик ҳолатини аниқлаш бўйича бир қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: шўрланган тупроқларнинг экологик-биологик ҳолатини яхшилаш ва соғломлаштириш мақсадида микроорганизмлар хилма-хиллигини бошқаришда ген-муҳандислиги услубларидан фойдаланиш; тупроқда углерод захирасини сақлаш ва ошириш орқали тупроқ унумдорлигини оширишга қаратилган агротехнологияларни ишлаб чиқиш; турли агроэкологик тизимларда тупроқ унумдорлигини узок муддатли мониторинг қилиш ва тупроқдаги озика элементларини бошқариш моделларини яратиш; ер ресурсларини барқарор бошқаришда рақамлаштирилган замонавий технологияларни ва “ақлли қишлоқ хўжалиги” тизимини жорий қилиш; тупроқ деградациясининг таъсир даражасини камайтиришга қаратилган тупроқ химояловчи ва ресурстежамкор технологияларни қўллаш; иқлим ўзгариши шароитида табиий ресурсларни уйғунлашган ҳолда бошқаришнинг илмий ва амалий асосларини ишлаб чиқиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикаимизнинг турли ҳудудларида тарқалган шўрланган тупроқларнинг хосса-хусусиятлари, мелиоратив ҳолати ва биологик фаоллигини ўрганиш, унумдорлигини яхшилаш ва ошириш бўйича турли йилларда кенг қамровли тадқиқот ишлари Л.Т.Турсунов, И.Т.Турапов, Б.С.Мамбетназаров, С.А.Абдуллаев, В.Г.Попов, Х.Т.Рискиева, Р.Қ.Қўзиев, Л.А.Гафурова, М.М.Тошқўзиев, Ғ.Юлдашев, В.Е.Сектименко, Б.Жоллыбеков, А.Рамазонов, Р.К.Курвонтоев, Й.Б.Саимназаров, Г.И.Джуманиязова, Г.М.Набиева, Д.А.Қодирова, А.У.Ахмедов, А.Ж.Боиров, А.Ж.Исманов, А.А.Турсунов ва бошқалар томонидан олиб борилган. Турли географик минтақаланиш шароитида тарқалган деградацияга учраган ерларнинг ҳолатини аниқлаш ва хариталашда замонавий ГАТ тизимларидан фойдаланиш ҳамда тупроқ

унумдорлигини моделлаштиришга оид тадқиқотлар Н.Ю.Абдурахмонов, Г.Т.Джалилова, Ш.М.Бобомуродов, З.Баҳодиров ва В.Х.Шеримбетовлар томонидан бажарилган. Лекин, Оролбўйи худудида тарқалган шўрланган тупроқларнинг экологик-биологик ҳолатини замонавий ёндашувлар асосида диагностика қилиш орқали ҳудуд ерларидан самарали фойдаланиш борасида илмий изланишлар етарлича амалга оширилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат аграр университети ва Ўзбекистон Миллий университети илмий тадқиқот ишлари режаларининг ҚХФЁ-5-004 рақамли «Иқлим ўзгаришига боғлиқ равишда юзага келаётган деградация жараёнлари таъсирида Оролбўйи тупроқларининг диагностик кўрсаткичларини ва тупроқ ҳосил қилувчи омилларининг ўзгариш қонуниятларини аниқлаш» (2014-2015 йй.) мавзусидаги ёш олимларнинг фундаментал ҳамда И-2012-30 рақамли «Қорақалпоғистон Республикаси шароитида қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлиги ва тупроқ унумдорлигини ошириш мақсадида янги микробиологик препаратлардан фойдаланиш технологияларини татбиқ этиш» (2012-2013 йй.) мавзусидаги инновацион лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Оролбўйи худуди суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқларнинг хосса-хусусиятлари ва биологик фаоллигининг шўрланиш таъсирида ўзгаришини замонавий усуллар орқали таҳлил қилиш асосида тупроқларнинг экологик-биологик ҳолатини баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ҳудуднинг ўзига хос регионал тупроқ-иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда тупроқларнинг хосса-хусусиятлари ҳамда биологик фаоллигини шўрланиш жараёнлари таъсирида ўзгаришини аниқлаш;

тупроқнинг кимёвий, агрокимёвий ва агрофизикавий хоссалари билан биологик фаоллиги ўртасидаги коррелятив боғлиқликларни аниқлаш;

тупроқларнинг экологик-биологик ҳолатининг интеграл кўрсаткичини ҳисоблаш ва улар асосида умумий биологик фаоллиги даражасини баҳолаш мақсадида биодиагностика мезонларини ишлаб чиқиш;

геоахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда тупроқ унумдорлигининг диагностик кўрсаткичларини тавсифловчи хариталар тузиш;

геоахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда тупроқдаги органик углерод захирасини акс эттирувчи хариталар тузиш;

суғориладиган тупроқларнинг экологик ҳолатига ва ҳудуднинг иқлим хусусиятларига тегишли кўп йиллик маълумотлар асосида қишлоқ хўжалиги ерлари ҳолати ва экинлар ҳосилдорлигини кўп омилли эконометрик моделлаштириш усули орқали таҳлил қилиш.

Тадқиқотнинг объекти Қорақалпоғистон Республикасининг Амударё ва Чимбой туманларида тарқалган турли даражада шўрланган эскидан ва янгидан суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқлар ва шўрҳоқлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети тупроқнинг хосса-хусусиятлари, экологик-биологик ҳолати, шўрланиши, турли мавзули хариталар, тупроқдаги органик углерод захираси, эконометрик моделлаштириш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Дала ва лаборатория тадқиқотлари умумқабул қилинган стандарт услублар бўйича амалга оширилган. Изланишларда қиёсий-географик ва кимёвий-аналитик усулларидан фойдаланилган. Таҳлиллар «Методы почвенной микробиологии и биохимии», «Методы почвенной энзимологии», «Биодиагностика почв: методология и методы исследований», «Руководство по химическому анализу почв» қўлланмалари бўйича бажарилди. Тупроқларнинг гумус билан таъминланганлиги М.М.Тошқўзиев, Н.И.Шадиева, аммонификаторлар билан таъминланганлиги Д.Г.Звягинцев, ферментлар фаоллиги ва нафас олиш жадаллиги эса Э.И.Гапонюк, С.В.Малахов шкаласига кўра гуруҳларга ажратилди. Тупроқ унумдорлигининг диагностик кўрсаткичлари ва биологик фаоллиги ўртасидаги коррелятив боғлиқликлар Statgraphics Centure XVII дастури ёрдамида аниқланди. Маълумотларни статистик қайта ишлаш жараёни Irristat дастурининг Balanced Anova (BAOV) пакети орқали амалга оширилди. Турли мавзудаги хариталар яратишда ArgGIS дастурининг IDW интерполяция ҳамда Kriging моделлаштириш усулларидан фойдаланилди. Кўп омилли эконометрик моделлаштириш ишлари Econometric Views компьютер дастурида амалга оширилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

биологик фаолликнинг асосий кўрсаткичлари бўйича Оролбўйи худудида тарқалган суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқлар экологик-биологик ҳолатининг интеграл кўрсаткичи қийматлари аниқланган;

турли даражада шўрланган тупроқларнинг умумий биологик фаоллик даражаси аниқланган;

тупроқларнинг биологик фаоллиги ҳамда кимёвий, агрокимёвий ва агрофизикавий хоссалари ўртасидаги ўзаро корреляцион боғлиқликлар аниқланган;

тупроқлар биологик фаоллигининг ҳар бир информатив кўрсаткичлари бўйича таъминланганлик ва фаоллик даражаси аниқланган;

тупроқ унумдорлигига шўрланиш жараёнининг таъсир даражасини аниқлашда умумий биологик фаолликнинг диагностик кўрсаткич сифатида хизмат қилиши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

геоахборот тизими асосида тупроқ унумдорлигининг диагностик кўрсаткичларини тавсифловчи турли мавзули хариталар яратилган;

тупроқлар биологик ҳолатини тавсифловчи турли мавзули хариталар яратилган;

тупроқ унумдорлигини баҳолаш имконини берувчи тупроқдаги органик углерод захирасини акс эттирувчи модел хариталар тузилган;

тупроқ экологик-биологик ҳолатининг интеграл кўрсаткичи қиймати асосида биодиагностика мезонлари ишлаб чиқилган ва умумий биологик

фаоллиги даржасига кўра гуруҳларга ажратилган;

иқлим хусусиятларини қишлоқ хўжалиги ерларининг экологик ҳолатига ва экинлар ҳосилдорлигига таъсирини таҳлил қилиш асосида эконометрик модел ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Натижаларнинг ишончилиги қўйилган вазифалар комплекс ёндашув асосида ечилганлиги, назарий ва амалий натижаларни бир-бирига мослиги, тадқиқотлар тупроқшунослик ва тупроқ биологияси соҳасининг замонавий ривожланиш тенденцияларига мос равишда бажарилганлиги, маълумотларга статистик ишлов бериш Irristat компьютер дастурининг Balanced Anova (BAOV) пакети, корреляцион боғлиқликлар Statgraphics Centure XVII дастури асосида стандарт услублар ёрдамида олиб борилганлиги, тадқиқотларда дунё миқёсида кенг қўлланилаётган замонавий геоахборот тизимлари ва кўп омилли эконометрик моделлаштириш усулларидан фойдаланилганлиги, тадқиқот натижаларининг етакчи илмий нашрларда чоп этилганлиги ва амалиётга жорий қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тупроқнинг агрокимёвий, кимёвий, агрофизикавий ва биологик хоссалари бўйича олинган маълумотлар табиий ва антропоген омиллар таъсирида тупроқнинг генетик хусусиятларидаги ўзгаришларни тавсифлашда, тупроқнинг озика режими, гумификация, тупроқ органик моддаси минерализацияси каби жараёнларининг йўналишини белгилашда, суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқларнинг унумдорлик даражасини мониторинг қилишнинг илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, тупроқ унумдорлигининг диагностик кўрсаткичлари ва органик углерод захирасини тавсифловчи турли мавзули хариталар ҳамда суғориладиган тупроқларда қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигига таъсир этувчи омиллар таркиби ва уларнинг улушини аниқлаш имконини берувчи кўп омилли эконометрик модели иқлим ўзгариши шароитида тупроқ-иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда ер ресурсларидан барқарор фойдаланишда тупроқларнинг экологик-биологик ҳолатини яхшилашга йўналтирилган комплекс агромелиоратив чора-тадбирларни белгилашда асос бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Оролбўйи суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқларининг экологик-биологик ҳолатини диагностикасида замонавий ёндашувлар бўйича олинган илмий натижалар асосида:

тупроқлар унумдорлигининг диагностик кўрсаткичларини тавсифловчи турли мавзули электрон хариталар Амударё ва Чимбой туманлари қишлоқ хўжалиги бўлимида амалиётга жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 06 августдаги №02/022-1595-сон маълумотномаси). Натижада ҳудуд суғориладиган тупроқларининг унумдорлигини сақлаш ва ерлардан қишлоқ хўжалигида самарали фойдаланиш бўйича агромелиоратив

тадбирлар белгилашда илмий асос бўлиб хизмат қилган;

тупроқлар биологик параметрларини худудий ўзгаришини акс эттирувчи мавзули электрон хариталар Амударё ва Чимбой туманлари қишлоқ хўжалиги бўлимда амалиётга жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 06 августдаги №02/022-1595-сон маълумотномаси). Натижада туман фермер хўжалиқларининг ихтисослашувини ва тупроқ-иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда тупроқнинг барқарор унумдорлигини таъминлашда биологик жараёнларни тартибга солиш ва мақбуллаштиришга йўналтирилган деградацияга қарши комплекс чоратадбирлар ишлаб чиқиш имконини берган;

тупроқлар биологик кўрсаткичларини шўрланишнинг турли типи ва даражалари таъсирида ўзгариши бўйича ишлаб чиқилган биодиагностика мезонлари Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитасида амалиётга жорий этилган (Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитасининг 2019 йил 24 июлдаги №01/18-07-2416-сон маълумотномаси). Натижада шўрланган тупроқларнинг экологик-биологик ҳолатини баҳолаш асосида қишлоқ хўжалиқ ерларини муҳофаза қилиш ва унумдорлигини мақбуллаштириш тадбирларини ишлаб чиқиш имконини берган;

тупроқлардаги органик углерод захирасини тавсифловчи модел хариталар Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитасида амалиётга жорий этилган (Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитасининг 2019 йил 24 июлдаги №01/18-07-2416-сон маълумотномаси). Натижада углерод секвестрациясини ошириш орқали тупроқдаги органик модда миқдорини сақлаш, тупроқ унумдорлигини барқарор бошқариш ҳамда глобал иқлим ўзгариши жараёнларининг салбий оқибатларини юмшатиш бўйича худуднинг тупроқ-иқлим шароитларига мос тадбирлар мажмуини белгилаш имконини берган;

қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги бўйича тузилган кўп омилли эконометрик модели Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитасида амалиётга жорий этилган (Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитасининг 2019 йил 24 июлдаги №01/18-07-2416-сон маълумотномаси). Натижада худудда шўрланиш жараёнини келтириб чиқарувчи омиллар ўртасидаги боғлиқликлар зичлигини таҳлил қилиш асосида худуд ерларининг ҳолатини мониторинг қилиш, шўрланган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини оширишга йўналтирилган тадбирларни ишлаб чиқишда илмий асос сифатида хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари ҳар йили ТошДАУнинг махсус комиссияси томонидан синовдан ўтказилиб, ижобий баҳоланган. Тадқиқот материаллари илмий ҳисоботлар кўринишида ТошДАУ илмий Кенгашида, халқаро ва республика илмий-амалий

анжуманларида (Москва, Барнаул, Владимирск, Астрахань, Тошкент, Самарқанд) маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтган. Олинган натижалар асосида 2 та маълумотлар базаси тузилган ва муаллифлик гувоҳномаси олинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий мақола чоп этилган, шулардан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан, 8 таси республика, 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 6 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 193 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Шўрланган тупроқларнинг экологик-биологик ҳолати ва уларни диагностика қилишда замонавий ёндашувлар**» деб номланган биринчи боби икки қисмга бўлинган бўлиб, «Деградация жараёнларини тупроқ унумдорлик ҳолатини белгиловчи диагностик кўрсаткичларига таъсири» деб номланган биринчи қисмида деградация жараёнларининг тупроқларнинг асосий генетик хоссаларига ва биологик фаоллигига бўлган таъсирини ўрганиш ҳамда унинг таъсир даражасини баҳолашда тупроқнинг умумий биологик фаоллигини белгиловчи интеграл кўрсаткичлардан фойдаланишга қаратилган илмий ишларнинг таҳлили келтирилган. «Тупроқнинг экологик-биологик ҳолатини диагностикасида замонавий ёндашувлар» деб номланган иккинчи қисмида тупроқлар ҳолатини диагностика қилишда замонавий геоахборот технологияларидан ва моделлаштириш усулларида фойдаланиш бўйича республикамиз ва чет давлатларида олиб борилаётган тадқиқотлар кенг ёритилган. Адабиётлар шарҳининг хулоса қисмида шўрланган тупроқларнинг экологик-биологик ҳолатини замонавий ёндашувлардан фойдаланган ҳолда комплекс ўрганиш ва улар асосида турли мавзули электрон хариталар яратиш, шунингдек, моделлаштириш усуллари орқали шўрланган ерларни муҳофаза қилиш ва улар унумдорлигини мақбуллаштиришда тупроқларни умумий биологик фаоллиги даражасини баҳолаш муҳим аҳамиятга эга эканлиги тўғрисида хулосалар қилинган.

Диссертациянинг «**Оролбўйи худуди табиий-иқлим шароитининг ўзига хос хусусиятлари ва тадқиқот услублари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот ҳудудининг ўзига хос табиий шароитларининг тупроқ шаклланиши ва шўрланиш жараёнининг юзага келишидаги аҳамияти, тадқиқот ҳудуди тупроқ қопламини ўрганиш бўйича олиб борилган топографик-геодезик тадқиқотлар ва қўлланилган услублар тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Оролбўйи худудида тарқалган суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқларнинг хоссалари ва уларни шўрланиш таъсирида ўзгариши**» деб номланган учинчи бобида ҳудуд тупроқларининг хосса-хусусиятларига шўрланиш жараёнининг таъсирини ўрганиш бўйича олинган тадқиқот натижалари келтирилган.

Оролбўйи тупроқларининг морфологик хусусиятларини ўрганиш натижасида ҳудуд тупроқларининг шаклланиши ва ривожланиши доимий равишда ўзгариб турувчи ташқи муҳит омиллари билан ўзаро чамбарчас боғлиқликда кечиши маълум бўлди. Тупроқлардаги шўрланиш ҳамда намланиш режимининг ўта ўзгарувчанлиги тупроқ қопламининг тузилиши ва таркибида, шунингдек, уларнинг хилма-хиллигини белгиловчи ўсимлик қопламида ҳам сезиларли из қолдиради. Қўриқ шўрҳоклардан шўрланмаган эскидан суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқлар томон профилда гумусли қатлам қалинлигининг ошиши, механик таркибининг оғирлашиши ва структурасининг яхшиланиши билан характерланади. Умуман олганда, профил ўртасида юпқа қумли қатламнинг мавжудлиги ва чуқурлашган сари кучайиб боровчи гилланиш белгиларини турли даражада ифодаланиши ўтлоқи-аллювиал тупроқларнинг ўзига хос морфологик хусусиятларидан ҳисобланади.

Ўрганилган тупроқларда шўрланиш даражасининг турлича эканлиги, яъни тупроқ профили бўйлаб кучсиз, ўртача, кучли ва жуда кучли шўрланган қатламлар алмашилиб туради. Тупроқ профили бўйлаб тузларнинг тарқалишида ер юзасига яқин жойлашган минераллашган грунт сувлари таркибидаги тузлар миқдори билан ўзаро боғлиқлик кузатилади. Тузлар миқдори аксарият ҳолларда пастдан юқорига қараб ошиб боради ва устки қатламда максимал миқдорни ташкил этади. Баъзи ҳолларда эса бу қонуниятнинг турли механик таркибга эга бўлган қатламлардаги тузларнинг ҳар хил тўпланиши таъсирида ўзгариши кузатилади. Шўрланмаган ва кучсиз шўрланган тупроқларнинг устки 0-30 см қатламидаги тузлар захираси 9,43 дан 17,74 т/га гача ораликда ўзгариб туради.

Тупроқ таркибидаги қуруқ қолдиқ миқдорининг ошиши билан тузлар захирасининг ҳам ортиши кузатилади. Ўртача ва кучли даражада шўрланган тупроқларда бу кўрсаткич 25,13-61,39 т/га, жуда кучли шўрланган ва шўрҳокларда эса 185,81-222,20 т/га атрофида ўзгариб туради (1-жадвал).

Ўрганилган ҳудудда грунт сувлари жойлашиш чуқурлиги 1,0-1,5 метрни ташкил этади. Таркибидаги қуруқ қолдиқ миқдори бўйича грунт сувларининг минераллашанлик даражаси кучсиз (1-3 г/л), ўртача (3-10 г/л),

кучли (10-25 г/л), жуда кучли (25-50 г/л) минераллашган ва намокобларга (>50 г/л) тўғри келади.

1-жадвал

Худуд тупроқларидаги тузлар захираси, т/га

Тупроқ айирмалари номи	Тузлар захираси ҳисобланган қатлам чуқурлиги, см		
	0-30	0-50	0-100
Кесма-1. Янгидан суғор-н ўтлоқи аллювиал тупроқ, кучсиз шўр-н, сульфатли тип, Қиличбой массиви	17,74	28,92	49,01
Кесма-4. Эскидан суғор-н ўтлоқи аллювиал тупроқ, кучсиз шўр-н, хлорид-сульфатли, Қиличбой массиви	9,43	14,77	30,09
Кесма-27. Янгидан суғор-н ўтлоқи аллювиал тупроқ, ўртача шўр-н, хлорид-сульфатли ҚҚДИТИ хўжалиги	25,13	38,20	58,53
Кесма-10. Янгидан суғор-н ўтлоқи аллювиал тупроқ, кучли шўр-н, хлорид-сульфатли, Манғит массиви	61,39	85,86	124,84
Кесма-35. Янгидан суғор-н ўтлоқи аллювиал тупроқ, жуда кучли шўр-н, сульфат-хлоридли, Чимбой массиви	64,12	89,91	125,44
Кесма-7. Шўрхок, ташландик ер, сульфат-хлоридли, Манғит массиви	222,20	260,09	342,21
Кесма-42. Ўтлоқи шўрхок тупроқ, сульфатли, Қизилўзак массиви	185,81	255,65	359,51

Кучсиз ва ўртача минераллашган грунт сувларда куруқ қолдиқ миқдори 1,030-9,400 г/л ни, кучли ва жуда кучли минераллашганда эса 17,400-35,400 г/л ни, намокобларда эса 110,050 г/л ни ташкил қилади. Минераллашиш химизмига кўра, хлорид-сульфатли ва сульфат-хлоридли типга мансублиги кузатилади.

Умуман олганда, худуд тупроқлари шўрланиш даражаси, тузлар химизми, тузли қатламларнинг ҳамда ер ости сувларининг жойлашиш чуқурлиги билан бир-биридан фарқланади. Ўрганилган ҳар бир тупроқ айирмаси ўзига хос туз профилига, тузлар таркиби ва захирасига, турли жадалликдаги шўрланиш жараёнига эгаллиги билан характерланади. Шўрланиш типни хлорид-сульфатли ва сульфатли, баъзи жойларда сульфат-хлоридли типга мансуб тупроқлар ҳам кузатилади.

Тадқиқотлар давомида ўрганилган тупроқлар механик таркибининг ниҳоятда хилма-хиллиги, яъни профил бўйлаб қумлоқ ва қумли қатламлардан оғир лойли қатламларгача учраши кузатилади. Тупроқларда физик лой миқдорининг (<0,01 мм) жуда кенг ораликда, яъни 5,5 ва 72,7 % атрофида тебраниб туриши ва механик заррачалар орасида, асосан, йирик чанг ва майда кум заррачаларининг устунлик қилиши кузатилди. Ўрганилган тупроқлар механик таркибининг ўзига хос хусусиятларидан бири бу улар профилининг серқатламлилиги ва механик заррачалар миқдорининг кескин ўзгарувчанлигидир. Бу хусусият баъзи жойларда қумоқли қатламларни қумлоққача, қумли қатламларни эса лойгача алмашилиши билан намоён бўлади. Механик элементлар миқдорининг бундай кескин тебраниши аллювиал ётқизиқларнинг кескин ва контраст ўзгарувчан литологияси билан боғлиқдир.

Ўрганилган тупроқлар умумий физикавий хоссаларининг ўзгариши биринчи навбатда уларнинг механик таркиби ва органик моддалар миқдорига

боғлиқдир. Тупроқ қатламларидаги ҳажм ва солиштирама оғирлик миқдорининг ўзгариши тупроқ профили бўйлаб ғовакликнинг тебранишига олиб келади. Суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқларнинг устки қатламида ҳажм оғирлиги $1,29-1,37 \text{ г/см}^3$, солиштирама оғирлик $2,60-2,67 \text{ г/см}^3$ ва умумий ғовакликнинг миқдори $45,5-50,4\%$ атрофида тебраниб турди. Кўриқ шўрхоқларнинг профили бўйлаб эса бу кўрсаткичлар $1,39-1,55, 2,67-2,75 \text{ г/см}^3$ ва $43,6-48,9\%$ ни ташкил этди. Шундай қилиб, шўрланмаган ва кучсиз шўрланган эскидан суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқлар энг мақбул физикавий хоссаларга эга эканлиги билан тавсифланади.


Изланишлар олиб борилган ҳудуд тупроқлари гумусга унча бой эмаслиги билан тавсифланади. Гумус миқдорининг профил бўйлаб тақсимланиши тупроқнинг механик таркиби, суғориш даври давомийлиги ва шўрланиш хусусиятлари билан белгиланади. Ҳудуд тупроқлари гумус миқдори билан таъминланганлиги бўйича 3 гуруҳга ажратилди: ўртача таъминланган (гумус миқдори – $1,0-1,5\%$) – шўрланмаган ва кучсиз шўрланган эскидан ва янгидан суғориладиган тупроқлар, гумус миқдори $1,0 - 1,36 \%$; паст таъминланган ($0,5-1,0 \%$) – баъзи кучсиз, шунингдек, ўрта, кучли ва жуда кучли шўрланган янгидан суғориладиган тупроқлар ва ўтлоқи шўрхоқ тупроқлар, гумус миқдори $0,58-0,98 \%$; жуда паст таъминланган ($<0,5 \%$) - типик шўрхоқлар, гумус миқдори $0,17-0,49 \%$ ни ташкил этади.

Ҳудуд тупроқларида озика элементлари миқдорининг ўзгариши гумус миқдорига боғлиқ ҳолда кечади. Шўрланмаган ва кучсиз шўрланган эскидан ва янгидан суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқларнинг юқори ҳайдалма қатламида ялпи азот миқдори $0,080-0,118\%$, янгидан суғориладиган ўртача ва кучли шўрланган тупроқларда $0,057-0,083\%$, янгидан суғориладиган жуда кучли шўрланган ва шўрхоқ тупроқларда $0,020-0,053\%$ ни ташкил қилади. Ўрганилган тупроқлар ҳаракатчан фосфор ва алмашинувчан калий миқдори бўйича, асосан, ўртача, кам ва жуда кам таъминланган тупроқлар гуруҳларига ажратилади. Ўрганилган тупроқларда карбонатлар миқдори профил бўйлаб $6,96-10,40 \%$ оралиғида тебраниб туради. Ушбу тупроқларда гипсининг энг катта миқдори устки қатламларга тўғри келади ва $0,114-0,860 \%$ оралиғида тебраниб туради. Ўрганилган тупроқлар асосан, кучсиз ишқорий муҳитга эга бўлиб, $\text{pH } 7,4-7,7$ оралиғида ўзгариб туради.

Диссертациянинг «**Оролбўйи ҳудуди тупроқларининг биологик хоссалари ва уларга шўрланишнинг таъсири**» деб номланган тўртинчи бобида микроорганизмлар миқдори, ферментлар фаоллиги ва нафас олиш жадаллигининг шўрланишнинг турли даражалари таъсирида ўзгаришини ўрганиш, тупроқ биологик фаоллиги ва тупроқ хоссалари ўртасидаги коррелятив боғлиқликларни аниқлаш ҳамда тупроқ биодиагностикасига оид комплекс тадқиқотлар натижалари келтирилган.

Ўрганилган тупроқларнинг агрофизикавий, кимёвий ва агрокимёвий хоссаларини турличалиги тупроқ микроорганизмларининг тарқалишида ҳам намоён бўлади. Тадқиқотлар натижасига кўра, ўрганилган микроорганизмлар миқдорининг шўрланиш даражаларига боғлиқ равишда сезиларли ўзгариши

кузатилади (1-расм). Уларнинг энг катта миқдори шўрланмаган ва кучсиз шўрланган эскидан суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқларга тўғри келади.



1-расм. Микроорганизмлар миқдорининг шўрланиш даражалари таъсирида ўзгариши (мавсумий динамика бўйича ўртача, 1 г/минг дона)

Янгидан суғориладиган кучли ва жуда кучли даражада шўрланган ўтлоқи-аллювиал ва шўрҳок тупроқларда ўрганилган микроорганизм гуруҳларининг суист ривожланганлиги маълум бўлди. Бу ҳолатни ўсимлик қопламанинг сийраклиги ва органик моддалар миқдорининг камлиги билан изоҳлашимиз мумкин. Шунингдек, микроорганизмлар миқдори тупроқнинг устки гумус ва озика элементлари билан етарлича таъминланган қатламларида кўп бўлиши кузатилди. Тупроқ профили бўйлаб чуқурлашган сари уларнинг миқдори кескин камайиб боради.

Ўрганилган ҳудуднинг ноқулай иқлим шароитлари, яъни ёзнинг юқори ҳароратлари, ҳаво нисбий намлигининг пастлиги, тупроқдан намликни тезда парланиб кетиши ҳамда органик модда миқдорининг камлиги ушбу тупроқларнинг микробиологик фаоллигини сусайишига олиб келади. Шу боис, микроорганизмларнинг жадал фаолияти баҳорги мавсумга, энг суист фаолияти ёзги даврга тўғри келди ва кузга бориб улар миқдорининг сезиларли ошиши кузатилади.


Тупроқлар ферментатив фаоллигининг шаклланиши тупроқ ҳосил бўлишининг экологик-биологик омиллари билан ўзаро боғлиқликда амалга ошади. Ўрганилган тупроқлар органик модда миқдорининг нисбатан камлиги, озика элементлари билан кам таъминланганлиги ва турли даражада шўрланганлиги боис кучсиз ферментатив фаолликка эгаллиги маълум бўлди.

Оксидланиш-қайтарилиш реакциялари тупроқда гумус моддаларини ҳосил бўлиш жараёнида асосий бўгин ҳисобланади. Ҳудуднинг шўрланмаган ва кучсиз шўрланган эскидан ва янгидан суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқларида оксидазалар фаоллигининг нисбатан юқорилиги қайд этилди, бунга кўра каталаза фаоллиги $2,9-4,3 \text{ см}^3 \text{ O}_2 \text{ 1г/1 дақиқани}$, пероксидаза ҳамда полифенолоксидаза фаоллиги $3,14-4,32$ ва $3,23-4,68 \text{ мг пурпургаллин 100г/24 соатни ташкил этди}$. Ўртача шўрланган тупроқларда каталаза фаоллиги $2,2-2,5 \text{ см}^3 \text{ O}_2 \text{ 1г/1 дақиқага}$, пероксидаза ва полифенолоксидазалар

2,70-2,86 ва 2,73-2,89 мг пурпургаллин 100г/24 соатга тенг бўлди. Кучли ва жуда кучли шўрланган тупроқларда уларнинг энг кам фаоллиги кузатилди ва каталаза фаоллиги $1,2-2,0 \text{ см}^3 \text{ O}_2 \text{ 1г/1 дақиқани}$, пероксидаза ва полифенолоксидазалар фаоллиги 2,10-2,67 ва 2,12-2,70 мг пурпургаллин 100г/24 соатни ташкил этди. Бу ҳолат органик модда миқдорининг камлиги, сувда эрувчан тузлар миқдорининг юқорилиги ва механик элементлар орасида қум заррачаларининг устунлик қилиши билан изоҳланади. Ҳудуд тупроқларида тахминий гумификация коэффиценти 0,9-1,1 атрофида эканлиги аниқланди.

Гидролазалар гуруҳига мансуб ферментлар (инвертаза, фосфатаза ва уреаз) бўйича ҳам оксидазалар фаоллигига ўхшаш ҳолат кузатилади. Бу эса оксидланиш-тикланиш ва гидролитик ферментлар фаоллиги бевосита тупроқдаги гумус, озика элементлари миқдори, механик таркибга ва ҳудуднинг гидротермик режимига боғлиқлигидан далолат беради. Ўрганилган тупроқларда инвертаза фаоллигининг тебраниш чегаралари 1,50 - 4,15 мг глюкоза 1г/24 соат, уреаз фаоллиги 1,06-2,76 мг NH_3 10г/24 соат, фосфатаза фаоллиги 0,57-2,38 мг P_2O_5 10г/24 соат оралиғида эканлиги маълум бўлди. Ўрганилган тупроқларни каталаза ва фосфатаза ферменти билан таъминланганлиги бўйича жуда кучсиз, кучсиз ва ўртача фаолликка, инвертаза ва уреаз ферментлари бўйича эса фақат жуда кучсиз фаолликка эга эканлиги аниқланди.

Ферментлар фаоллигини мавсумий динамикада ўзгаришини ўрганиш улар фаоллигининг гидротермик шароитлар таъсирида ўзгаришини ҳамда турли физик-кимёвий хоссаларга эга тупроқлар учун умумий қонуниятларни аниқлаш имконини беради (2-расм). Олинган маълумотлар ушбу тупроқларда ферментлар баҳорда – максимум, ёзда – минимум, кузда эса ўртача фаолликка эга эканлигини кўрсатди.




2-расм. Янгидан суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқлар ферментатив фаоллигининг мавсумий динамикаси

(каталаза - $\text{см}^3 \text{ O}_2 \text{ 1г/1 дақиқа}$; пероксидаза ва полифенолоксидазалар – мг пурпургаллин 100г/24 соат; инвертаза - мг глюкоза 1г/24 соат; уреаз - мг NH_3 10г/24 соат; фосфатаза - мг P_2O_5 10г/24 соат)

Ферментлар фаоллигининг энг юқори кўрсаткичлари устки қатламларга тўғри келди, пастки қатламларда эса улар фаоллиги кескин

камайди, баъзи ҳолларда умуман учрамади (шўрҳок), буни тузларнинг ферментлар фаоллигига тўғридан-тўғри кўрсатаётган таъсири ҳамда ушбу тупроқлар профилида органик моддаларнинг кам тўпланганлиги билан тушунтириш мумкин.

Тупроқнинг нафас олиш хусусияти биологик фаолликнинг ўзгармас кўрсаткичларидан бири ҳисобланади. Олинган маълумотлар кўра, ўрганилган тупроқлардан CO₂ газини ажралиб чиқиши тупроқ микроорганизмлари миқдори, агрохимёвий ва агрофизикавий хоссалари, шўрланиш даражаси ва ҳудуднинг тупроқ-иқлим шароитларига боғлиқ ҳолда ўзгаради. Ҳудуд тупроқларида баҳорда етарлича намлик ҳамда ҳаво ҳарорати оптимал бўлганда CO₂ нинг фаол ажралиб чиқиши, ёзда куруқ иқлим шароитида сусайиши ва кузда яна бироз ошиши кузатилди (3-расм).



3-расм. Ҳудуд тупроқлари нафас олиш хусусиятининг мавсумий динамикаси, мг CO₂/10г

Ўрганилган тупроқларда нафас олиш жадаллигининг 1,3-7,3 мг CO₂/10г атрофида тебраниб туриши қайд этилди. Унинг энг юқори қийматлари шўрланмаган ва кучсиз шўрланган эскидан ва янгидан суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқларда кузатилади. Шўрҳок тупроқларда юқори миқдордаги захарли тузларнинг таъсири туфайли нафас олиш жадаллигининг жуда сустлиги аниқланди. Тупроқларда CO₂ нинг юқори кўрсаткичлари устки органик ва озиқа моддаларига бой қатламлар учун характерлидир.

Биологик фаоллик тупроқнинг кўп функцияли тавсифи сифатида ташқи муҳитнинг бир қатор омиллари ҳамда тупроқ хоссалари таъсирида ўзгаради. Тадқиқотлар давомида ўрганилган тупроқларнинг биологик фаоллиги билан гумус миқдори ўртасида яқин боғлиқлик аниқланди ва корреляция коэффиценти $r=0,74-0,98$ атрофида бўлди. Шунингдек, микроорганизмлар миқдори билан умумий азот $r=0,86-0,96$ ва фосфор $r=0,75-0,98$ ўртасида, ферментлар фаоллиги билан умумий азот $r=0,92-0,96$ ва фосфор $r=0,80-0,89$ ўртасида, тупроқнинг нафас олиш хусусияти билан азот $r=0,96$ ва фосфор $r=0,88$ ўртасида ҳам узвий боғлиқлик намоён бўлди. Тупроқдаги биологик жараёнларни бошқаришда физик хоссалар муҳим ўрин эгаллайди. Шунга

кўра, тупроқнинг нафас олиш жадаллиги ($r=0,72-0,78$), микроорганизмлар миқдори ($r=0,74-0,82$, $r=0,70-0,79$) ҳамда ферментлар фаоллиги ($r=0,76-0,84$) билан ғовақлик ва механик таркиби ўртасида ўзаро боғлиқлик мавжудлиги кузатилди.

Ҳозирги вақтда тупроқ унумдорлигини баҳолашда ва диагностика қилишда биологик усуллардан ҳам кенг фойдаланилмоқда. Ушбу усул тупроқларнинг умумий биологик фаоллик даражасини баҳолаш, чўл тупроқ ҳосил бўлиш шароитида комплекс ҳамда қиёсий таҳлилларни ўтказиш, тупроқнинг биологик фаоллигига унинг асосий хоссалари ва шўрланиш даражаларининг таъсирини тавсифлаш, микробиологик ва биокимёвий жараёнларнинг ўзгаришлари тўғрисида тасаввурга эга бўлиш ҳамда тупроқларнинг экологик-генетик хусусиятларини очиб бериш имконини беради. Таъкидлаш жоизки, тупроқларнинг экологик-биологик ҳолатини биодиагностика усуллари орқали баҳолаш учун тупроқ биологик фаоллигининг турли параметрларини ифодаловчи энг информатив кўрсаткичларни бир вақтнинг ўзида бир-бирига боғлаган ҳолда ўрганиш талаб этилади. Қайсики бу усул орқали тупроқнинг умумий нисбий биологик фаоллигини аниқлаш асосида тупроқлар экологик-биологик ҳолатининг интеграл кўрсаткичи қийматини аниқлаш мумкин. Шунга боғлиқ ҳолда, тадқиқотларимиз давомида ТЭБҲИК қийматини аниқлаш мақсадида гумус миқдори, микроорганизмлар миқдори, ферментлар фаоллиги ҳамда тупроқнинг нафас олиш хусусияти каби қатор информатив кўрсаткичлардан фойдаланилди (2-жадвал).


2-жадвал

Ўрганилган тупроқларнинг умумий нисбий БФ, тах йиғиндига нисбатан % ҳисобида

Гумус, %	Нафас олиш жадаллиги, CO ₂ , мг/10г	Каталаза, см ³ O ₂ 1г/1 дақиқа	Пероксидза	Полифенолоксидза	Инвертаза, мг глюкоза 1 г/24 соат	Уреаза, мг NH ₃ 10 г/ 24 соат	Фосфатаза, мг P ₂ O ₅ 10 г/ 24 соат	Аммонификагорлар	Замбуруғлар	Актиномицетлар
			мг пурпургалин 100г/ 24 соат					1г/минг дона		
Эскидан суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқ, шўрланмаган										
100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100
Эскидан суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқ, кучсиз шўрланган										
89,7	86,1	67,2	83,4	84,7	85	83,9	78,4	77	88,5	84,1
Янгидан суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқ, кучсиз шўрланган										
85,3	67,7	51,6	74,3	76,6	87	90,8	83,3	78,2	61,9	73,2
Янгидан суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқ, ўртача шўрланган										
66,2	53,2	50	51	53	46,8	43,2	29,3	50	56,1	72,4
Янгидан суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқ, кучли шўрланган										
52,9	44,8	38,5	42	44,2	42,2	36,7	26,1	47,8	47,1	52,9
Янгидан суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқ, жуда кучли шўрланган										
44,9	26,9	24,6	33	35	33,5	28	21,1	39,8	37,1	47,1
Шўрхоқ, ташландиқ ер										
20,6	18,9	18	14	15,3	18,6	12,2	17,6	23	19,8	33,2

Ўрганилган тупроқларнинг экологик-биологик ҳолатининг интеграл кўрсаткичи қийматига кўра уларни қуйидаги камайиб борувчи қаторга жойлаштириш мумкин: эскидан суғориладиган шўрланмаган ўтлоқи-аллювиал > эскидан ва янгидан суғориладиган кучсиз шўрланган ўтлоқи-

аллювиал > янгидан суғориладиган ўртача шўрланган ўтлоқи-аллювиал > янгидан суғориладиган кучли шўрланган ўтлоқи-аллювиал > янгидан суғориладиган жуда кучли шўрланган ўтлоқи-аллювиал > ўтлоқи шўрҳок (4-расм).



4-расм. Оролбўйи худудида тарқалган тупроқлар экологик-биологик ҳолатининг интеграл кўрсаткичи қиймати (ТЭБҲИК), %

Тупроқларнинг экологик-биологик ҳолатини интеграл кўрсаткичи қиймати асосида тупроқнинг умумий биологик фаоллиги даражасини баҳолаш имконин берувчи биодиагностика мезонлари ишлаб чиқилди ва тупроқлар тегишли гуруҳларга ажратилди (3-жадвал).

3-жадвал

Худуд тупроқларининг ТЭБҲИК қиймати асосида умумий биологик фаоллиги даражасини баҳолаш

Тупроқларнинг умумий биологик фаоллиги даражаси	ТЭБҲИК қиймати, %	Тупроқлар
Жуда юқори	81-100	- ушбу гуруҳга шўрланмаган ва кучсиз шўрланган эскидан суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқлар киритилди
Юқори	61-80	- ушбу гуруҳга янгидан суғориладиган кучсиз шўрланган ўтлоқи-аллювиал тупроқлар киритилди
Ўртача	41-60	- ушбу гуруҳга янгидан суғориладиган ўртача ва кучли шўрланган тупроқлар киритилди
Паст	21-40	- ушбу гуруҳга янгидан суғориладиган жу да кучли даражада шўрланган ўтлоқи-аллювиал тупроқлар киритилди
Жуда паст	< 20	- ушбу гуруҳга ўтлоқи шўрҳоклар киритилди

Шундай қилиб, олиб борилган тадқиқот натижалари биологик фаолликнинг интеграл кўрсаткичидан худуд тупроқларининг ташқи таъсирларга реакциясини, шунингдек, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирларнинг самарадорлигини баҳолашда кенг фойдаланиш мумкинлигини кўрсатади.


Диссертациянинг «**Геоахборот тизимлари асосида суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқларнинг экологик-биологик ҳолатини**

тавсифлаш» деб номланган бешинчи бобида тупроқ қопламига деградация жараёнлари таъсирини таҳлил қилишда геоахборот технологияларидан фойдаланиш зарурати, афзалликлари ва имкониятларига доир маълумотлар баён қилинган. Шу мақсадда замонавий геоахборот технологияларини қўллаган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси Амударё тумани Хоразм массиви ва Чимбой тумани Қамишариқ массиви тупроқлари учун турли мавзули хариталар тузилган бўлиб, ушбу хариталар тадқиқот ҳудуди тупроқларининг 0-30 см қатламидаги шўрланганлик даражасини, механик таркибини, гумус миқдори ва захирасини, ҳаракатчан фосфор, алмашинувчан калий, аммонификаторлар миқдори, инвертаза, каталаза, уреаза, фосфатаза ферментлари фаоллиги, тупроқнинг нафас олиш жадаллиги, тупроқдаги органик углерод захирасини тавсифлаш каби маълумотларни ўз ичига олади.

Суғориладиган тупроқларда деградация жараёнларини ривожланишига олиб келадиган салбий омиллар сифатида шўрланиш, ҳайдов ости қатламининг зичлашиши, гумус ва озика элементлари миқдорининг камайиши кабиларни санаб ўтишимиз мумкин. Бу каби муаммоларни бартараф этишда биринчи навбатда ҳудуднинг тупроқ-иқлим шароитлари ва тупроқнинг агрофизик хусусиятлари эътиборга олинади.

Яратилган харита маълумотларига кўра, Хоразм массивида оғир кумокли тупроқлар 2034,7 га, ўрта кумокли тупроқлар 760,7 га, енгил кумокли тупроқлар 813,7 га ва Қамишариқ массивида эса оғир кумокли тупроқлар 5823,1 га, ўрта кумокли тупроқлар 4547,7 га, енгил кумокли тупроқлар 1473,7 га ва қумлоқлар 167,2 га ни ташкил этиши аниқланди.

Шўрланиш даражасига кўра эса, Хоразм массивида кучсиз шўрланган тупроқларни кенг тарқалганлиги ва улар 1578 га майдонни, шўрланмаган тупроқлар 691,0 га, энг кам майдонни жуда кучли шўрланган тупроқлар ва шўрҳоклар (321,5 га) эгаллаганлиги кузатилди. Қамишариқ массивида ўртача (3155,3 га) ва кучли (5721,4 га) шўрланган тупроқлар кенг тарқалганлиги, жуда кучли шўрланган ва шўрҳок тупроқлар 2085,5 га майдонни, кичик майдонларни эса шўрланмаган - 344,3 га ва кучсиз шўрланган тупроқлар - 705,2 га эгаллаганлиги аниқланди (5-расм).




5-расм. Ҳудуд тупроқларининг шўрланганлик даражасини тавсифловчи хариталар

Бу ҳолат ҳудуднинг ноқулай тупроқ-иқлим шароити, шунингдек, агромелиоратив тадбирларни тўғри йўлга қўйилмаганлиги билан изоҳланади.

